



Ислом Нури

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

“Кинда қабиласида уч киши борки, шулар сабаб Аллоҳ осмондан ёмғир ёғдиради ва душманлар устидан нусрат ато этади... Шулардан бири Ражо ибн Ҳайвадир”. (Маслама ибн Абдулмалик)

Тобеинлар ичида уч киши бор эдики, ҳатто замондошлари ҳам уларга ўхшашини билмаган ва уларга тенглашадиган бирон бошқани кўрмаган. Гўё улар учрашиб ваъдалашиб олгандай, бир-бирларини ҳақ ва сабрга чақириб, яхшилик ва эзгуликка ўзаро аҳдлашиб, ҳаётларини илм ва тақво устига қурган эдилар. Ўзларини Аллоҳ ва Унинг Расулига, мусулмонларнинг хос ва оммаларига хизмат қилишга бағишлаган эдилар. Улар: Ироқда Муҳаммад ибн Сийрин, Ҳижозда Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ва Шомда Ражо ибн Ҳайвадир.

Келинг уларнинг учинчилари Ражо ибн Ҳайванинг баракотли умрининг баъзи лаҳзаларини ўрганиб чиқайлик.

Ражо ибн Ҳайва Фаластин ерларидаги “Бийсан” номли жойда дунёга келди. Унинг таваллуд топиши Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху халифалик даврининг охирларига тўғри келди. Арабларнинг “Кинда” қабиласига мансуб бўлиб, шунга кўра ватани Фаластин, асли араб, қабиласи “Киндий” деб таъриф берилди.

Бу йигит ёшлик чоғиданоқ Аллоҳ таолога тоат-ибодатда улғайди. Ажаб эмаски, шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло уни суйиб ва одамларга ҳам уни сеvimли қилган бўлса. У ёшлигиданоқ илмга юзланди, илм унинг қалбини соф, тоза ва холи топиб, унга мустаҳкам ўрнашиб олди. Унинг энг олий мақсади Аллоҳ таолонинг Китобидан ва Пайғамбар



Ислом Нури

соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларидан етарли улуш олиш эди. Мақсади рўёбга чиққач унинг фикри Қуръон нури билан мунаввар, ақл-идроки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ила нурафшон, қалби эса ҳикмат билан тўлиб тошди. Кимга ҳикмат берилган бўлса, ҳақиқатда унга кўп яхшилик берилибди.

Ражо ибн Ҳайва бир қанча улуғ саҳобалардан таълим олиш шарафига муяссар бўлди. Жумладан; Абу Саъид ал-Худрий, Абуд Дардо, Абу Умома, Убода ибн Сомит, Муовия ибн Аби Суфён, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Наввос ибн Самъон ва бошқалар. Барчалари у учун ҳидоят ва илм-ирфон маёғи бўлдилар. Шундай буюк насибага эришиб қолган Ражо ўзи учун пухта дастур тузиб, ҳаётининг охиригача шунга амал қилди. Айтардики:

«Иймон зийнатлаган ИСЛОМ нақадар гўзал»...

«Тақво зийнатлаган ИЙМОН нақадар гўзал»...

«Илм зийнатлаган ТАҚВО нақадар гўзал»...

«Амал зийнатлаган ИЛМ нақадар гўзал»...

«Юмшоқлик зийнатлаган АМАЛ нақадар гўзал»...

Ражо ибн Ҳайва Абдулмалик ибн Марвондан бошлаб, Умар ибн Абдулазизгача бўлган Умавий халифаларнинг бир қанчаларига вазирлик қилди. Унинг Сулаймон ибн Абдулмалик ва Умар ибн Абдулазизга бўлган яқинлиги аввал ўтган халифаларга бўлган боғланишидан юқори эди. Ражо ибн Ҳайвани Умавий халифаларга яқин қилган сифат, унинг ўта жиддий ва мулоҳазали экани, тўғри сўз



Ислом Нури

ва холис бўлгани энг муҳими ишларни ҳикмат билан ҳал қилиши эди. Буларнинг барига тож бўлган асосий сифати эса, одамларни подшоҳлар атрофига жалб қиладиган дунё матоларидан ўзини тортиши эди.

Ражо ибн Ҳайванинг Умавий халифаларга боғланиши Аллоҳ таолонинг уларга бўлган буюк раҳматидан ва катта инъомидан дейиш мумкин. Чунки, Ражо ибн Ҳайва уларни яхшиликка чорлаб, унинг йўлларини кўрсатиб турган, ёмонликдан қайтариб, ёмонлик эшикларини беркитиб қўйган. Уларга ҳақни кўрсатиб, унга эргашишни уларга зийнатлаб кўрсатган. Аллоҳ ва Унинг Расули учун, мусулмонларнинг имомлари ва оммалари учун насиҳат қилиб турган. Ражо ибн Ҳайванинг ҳаётида содир бўлган бир воқеа унинг халифалар билан бирга юришидаги йўлини ёритиб, ундаги асосий мақсадни белгилаб берган. Бу ҳақда ўзи шундай ҳикоя қилади: “Сулаймон ибн Абдулмалик билан халқ ичида турганимизда, одамлар орасини ёриб биз тараф юриб келаётган, хушсурат, кўримли бир кишига кўзим тушиб қолди. Келишидан халифани кўзлаб келаётганига шубҳа қилмадим. Рўпарамга келгач, саломлашиб ён томонимга ўтиб олди ва: “Эй Ражо, сен мана бу киши билан синовга ташланибсан, деб халифага ишора қилди. Бу кишига яқин бўлиш, ё улкан яхшиликка ва ё катта ёмонликка сабаб бўлади. Сен унга яқинлигингни ўзинг учун, у учун ва одамлар учун яхшилик бўлишига ҳаракат қил. Шун билки эй Ражо, кимнинг ҳокимга яқинлиги бўлса ва ҳокимга ҳожатини етказа олмайдиган заиф кишининг ҳожатини ҳокимга етказса, қиёмат кундаги ҳисоб-китобини Аллоҳ таоло осон қилиб қўяди. Эй Ражо, шун доим ёдингда тутгин, ким бир мусулмон биродарининг ҳожатини ўтаса, Аллоҳ унинг ҳожатини ўтайди. Яна шун билки эй Ражо, Аллоҳ азза ва жаллага энг суюкли амаллардан бири, мусулмон биродарининг кўнглини шод этишдир. Унинг сўзларини тааммул қилиб, яна кўпроқ



Ислом Нури

гапиришини истаб турганимда, халифа: “Ражо ибн Ҳайва қаерда?” деб мени йўқлаб қолдилар. Халифага юзланиб: “Мен шу ердаман эй амирул мўминин”, дедим. Унинг баъзи сўровларига жавоб бериб, ёнимдаги насихатгўй дўстимга бурилсам, у жойида йўқ. Одамлар орасидан қидириб топишга ҳаракат қилдим, бироқ топа олмадим”.

Ҳижрий тўқсон биринчи йилда Валид ибн Абдулмалик Ражо ибн Ҳайва ҳамроҳлигида Ҳажга борди. Мадинага етиб келишгач Умар ибн Абдулазиз ҳамроҳлигида Масжиди Набийни зиёрат қилдилар. Халифа масжидни кенгайтиришни мақсад қилгани боис, хотиржам, диққат билан масжидга назар солишни хоҳлади. Шунинг учун масжиддан одамларни чиқариб турилди. Масжидда Саид ибн Мусаййабдан бошқа ҳеч ким қолмади. Қўриқчилар Саид ибн Мусаййабни чиқаришга журъат қила олмадилар. Мадинанинг волийси Умар ибн Абдулазиз: “Одамлар чиқиб тургани каби, сиз ҳам масжиддан чиқиб турсангиз яхши бўлар эди”, деб одам жўнатганида, Саид ибн Мусаййаб: “Масжиддан ҳар кун чиқиб кетишни одат қилган вақтимдагина чиқаман”, деб жавоб бердилар. “Унда туриб мўминлар амирига салом беринг” дейилганида, “Мен бу ерга оламлар робби учун тургани келганман”, дедилар. Умар ибн Абдулазиз Саид ибн Мусаййабнинг жавобларидан бохабар қилингач, у киши ўтирган жойдан халифани буришга, узоқлаштиришга, Ражо ибн Ҳайва эса халифани гап билан чалғитишга ҳаракат қила бошлашди. Улар халифанинг жаҳли тезлигини билганлари учун шундай қилган эдилар. Минг уринишмасин, халифа ўтирган кишини кўриб қолди ва: “Ҳов анави қария ким, Саид ибн Мусаййаб эмасми?” деб сўраб қолди. “Ҳа, Саид ибн Мусаййаб, эй амирул мўминин”, деб жавоб бериб, у кишининг дини, илми, фазлу-тақвоси ҳақида гапира кетдилар ва: “Сизнинг келганингизни шайх билган бўлганларида, албатта келиб сиз билан кўришган булур эдилар, бироқ шайхнинг кўзлари яхши кўрмайди” деб,



Ислом Нури

қўшиб қўйдилар.

Халифа: “Мен шайхни сизлар сифатлаган даражада биламан, у киши биз бориб, салом беришимизга ҳақли зотдир”, деди. Сўнг масжидни айланиб, шайх ўтирган жойга етиб борди ва у кишига салом берди ва: “Шайхнинг аҳволлари яхшими?” деб ҳол сўради. Саид ибн Мусаййаб жойларидан қимирламасдан: “Аллоҳ таолонинг фазли-марҳамати билан яхшиман, Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Амирул муъминийн қандайлар, Аллоҳ уни Ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган амалларга муваффақ қилсин. Валид бурилиб кетар экан: “Ҳақиқий одамларнинг қолдиғи мана шудир, бу уммат салафидан қолгани ману шу кишидир”, дер эди.

Халифалик Сулаймон ибн Абдулмаликка ўтгач, Ражо ибн Ҳайванинг шаъни, обрў-эътибори ўтган халифалар ҳузуридагидан кўра янада зиёдалашди. Сулаймон ибн Абдулмаликнинг Ражо ибн Ҳайвага бўлган ишончи жуда катта, унга қаттиқ суяниб қолган, ҳар бир катта-ю кичик ишда унинг фикрини олишга ҳарис эди.

Ражо ибн Ҳайва билан Сулаймон ибн Абдулмалик ораларида ажойиб ҳодиса ва воқеълар жуда кўп содир бўлган. Буларнинг энг муҳими, ҳамда Ислом ва мусулмонлар учун энг фойдалиги Сулаймон ибн Абдулмаликдан кейинги халифанинг тайинлашдаги тутган ўрни, байъатни Умар ибн Абдулазизга қилинишига қўшган ҳиссасидир.

Бу ҳақда Ражо ибн Ҳайванинг ўзи шундай ҳикоя қилади: “Ҳижратнинг тўқсон тўққизинчи йил Сафар ойининг биринчи жумъасида мўминлар амири Сулаймон ибн Абдулмалик билан “Добиқ” (Суриянинг Ҳалаб шаҳрига яқин қишлоқда) эдик. Сулаймон ибн Абдулмалик иниси Маслама ибн Абдулмалик қўмондонлигида, ўғли Довуд ва аҳли



Ислом Нури

байтидан бир қанча кишилар ҳам бўлган катта бир қўшинни “Қустантиния”га юборган эди. Сулаймон ибн Абдулмалик Аллоҳ таоло унга “Қустантиния”ни фатҳ қилиб бермагунича ёки вафот топтирмагунича “Добиқ” ерларини тарк этмасликка қасам ичган эди. Жумъа намозининг вақти яқинлашганида Халифа мукамал тарзда таҳорат қилиб, яшил чопон кийиб ва яшил салла ўраб, ўзига бино қўйиб, навқиронлигидан мағрур бўлиб кўзгуга боқди. У ўша кезде қирқ ёшлар чамасида эди. Сўнг одамларга жумъа намозини ўқиб бериш учун масжидга чиқди. Масжиддан истмаси кўтарилган ҳолда қайтди. Кундан кунга касали зўрайа бошлади. Мендан узоқга кетмаслигимни, унга яқинроқ бўлиб туришимни талаб қилди.

Бир сафар ҳузурига кирсам ниманидир ёзаётган экан.

- “Эй мўминлар амири нимани китобат қилмоқдасиз?” деб сўрадим.
- “Мендан кейин ўғлим Айюбни халифа этиб тайинланиши ҳақидаги фармонни ёзмоқдаман”.
- “Халифани қабрда сақлайдиган ва Парвардигори ҳузурдаги зиммасини оқлайдиган нарсалардан бири, ўзидан кейин одамларга солиҳ бир инсонни халифа этиб қолдиришидир. Ўғлингиз Айюб балоғатга етмаган ёш бола бўлганидан, у солиҳлардан бўладими ё аксинчами сизга номалум бўлса...”
- “Инна-а лиллаҳи ва инна-а илайҳи рожиуна” “Бу мен китобат қилган бир мактуб эди, холос. Аллоҳдан истихора қилиб сўрамоқчи эдим, азм қилганим йўқ эди”, деди ва мактубни йиртиб ташлади.

Бир-икки кун ўтгандан сўнг мени ҳузурига чақириб: “Эй Абу Миқдом,



Ислом Нури

Ўғлим Довудга нима дейсиз?” деб сўраб қолди. Мен: “Довуд хозир эмас, у шу кунларда мусулмон лашкарлар билан “Қустантиния”да бўлиб, тирикми у ё вафот этганми сизга номалум бўлса. Халифа: “Унда кимни тайинланг, дейсиз эй Ражо?”. Мен: “Танлаш ихтиёри сизда, эй мўминлар амири, дедим ва у таклиф этаётган кишиларни бирма-бир йўққа чиқариб, Умар ибн Абдулазизни айтишини кутиб турдим. Ва ниҳоят “Умар ибн Абдулазизга нима дейсиз?” деди. Мен: “Мен уни аҳли фазл, оқил, динда салобатли, комил инсон деб биламан”, дедим. Халифа: “Тўғри айтасиз, ҳақиқатда у шундай одам... Лекин мен уни халифа қилиб қолдириб, Абдулмалик болаларини четда қолдирсам фитна бўлишидан қўрқаман... Улар ўзларига асло уни бош бўлиб қолишини тек ташлаб қўймайдилар, деди. Мен: “Ундай бўлса Абдулмалик болаларидан бирини унга шерик қилиб, ундан кейинги халифа улардан бири бўлиши керак. Халифа: “Тўғри айтасиз, уларни тинчлантириб, Умар ибн Абдулазиз халифа бўлишига уларни рози этадиган иш мана шудир. Сўнг қоғоз қалам олиб ёза бошлади: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу фармон Аллоҳнинг бандаси ва мўминлар амири Сулаймон ибн Абдулмаликдан Умар ибн Абдулазизга бўлиб, мен уни ўзимдан кейин халифа этиб тайин этдим, ундан кейин эса Язид ибн Абдулмаликни халифа этдим. Унга қулоқ солинг ва итоат қилинг, Аллоҳдан қўрқинг, парчаланиб кетишингизни умид қилиб турганлар умидвор бўлиб қолмаслиги учун асло ихтилоф қилманглар.» Ёзиб бўлгач мактубга муҳр босиб, уни менга топширди. Сўнг миршаблар бошлиғига одам жўнатиб шундай дейишга буюрди: “Менинг аҳли байтимга айт, ҳаммалари бир жойга йиғилишсин... Уларга шуни маълум қилгинки Ражо ибн Ҳайванинг қўлидаги мактуб менинг фармонимдир. Фармондаги кишига барчалари байъат қилишсин”. Ражо ибн Ҳайва воқеани ҳикоя этишда давом этади: “Абдулмалик фарзандлари йиғилишгач мен уларга айтдим: “Бу мўминлар амирининг мактуби, унда бўлажак халифани тайин



Ислом Нури

қилинганлиги ҳақидаги фармон бўлиб, сизларнинг ҳар бирингиздан бўлажак халифага байъат олишимни менга амр этган”. Барчалари: “Мўминлар амирининг буйруқларини бош устига қабул қиламиз ва бўлажак халифага итоат этамиз”, дедилар. Сўнг халифа билан сўрашиб ҳолидан ҳабар олишга изн сўрадилар. Изн берилиб халифанинг хузурига киришгач, Сулаймон ибн Абдулмалик уларга: “Ражо ибн Ҳайванинг қўлидаги мактуб менинг фармонимдир. Мен унда ўзимдан кейинги халифани тайин қилганман. Бўлажак халифага қулоқ солиб итоатда бўлинглар ва барчангиз унга байъат қилинглари. Барчалари бирма-бир байъат қилдилар.

Муҳр босилган мактубни қўлимда тутиб ташқарига чиқдим. Бу мактуб ичида нима битилганини халифа ва мендан бошқа бирон кимса билмас эди. Одамлар тарқалишгач Умар ибн Абдулазиз келиб менга: “Эй Абу Миқдом, биласиз мўминлар амири мен ҳақимда яхши фикрда эдилар, саҳоватпеша ва чин дўстликлари боис менга кўп яхшиликлар қилганлар, шу боис ўзларидан кейинги халифа этиб мени тайинлаб қўйишларидан қўрқаман. Аллоҳ учун ва ўзаро дўстлигимиз ҳурмати менга айтинг, халифанинг мактубида менинг номим борми? Агар мен тайинланган бўлсам, фурсат борида бундан халос бўлиб олишим учун менга ҳабар беринг”, деди. Мен: “Йўқ, Аллоҳга қасамки мактубдаги бир ҳарфни ҳам айтмайман”, дедим. У ғазабланган ҳолда мени тарк этди. Кўп ўтмай Ҳишом ибн Абдулмалик келиб: “Эй Абу Миқдом, сиз билан мен эски қадрдонлармиз, бир-биримизга бўлган ҳурматимиз ҳам ниҳоятда баланд, шундай экан халифанинг мактубидан мени бохабар қилсангиз, агар кейинги халифа этиб мен тайинланган бўлсам жим бўламан ва агар мендан бошқа киши тайинланган бўлса гаплашиб кўраман, чунки мен бу ишдан четда қолишим мумкин эмас. Сиз айтганингизни эса ҳеч кимга айтмасликка ваъда бераман”, деди. Мен: “Йўқ, Аллоҳга қасамки, халифа менга сир қилган мактубнинг бир



Ислом Нури

ҳарфини ҳам сизга айтмайман”, дедим. Икки кафтини бир-бирига уриб: “Халифалик менга бўлмаса, унда кимга бўлади? Абдулмалик авлодидан халифалик кетадими? Қасамки мен Абдулмалик авлодининг саййидиман”, деганча бурилиб кетди.

Шу ишлардан кейин халифанинг хузурига кирдим, у руҳи билан видолашаётган эди. Руҳи танасидан чиқаётганида қиблага юзланган бўлсин деб, қибла тарафга бурмоқчи эдим хириллаган товушда: “Ҳали вақт келмади, эй Ражо”, деди. Икки маротаба шу ҳолат такрорланди, учинчи марта бурмоқчи бўлганимда: “Энди, эй Ражо, нима қилмоқчи бўлсангиз ана энди қилинг. «Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадан Расулуллоҳ»... Уни қибла тарафга юзлантириб қўйдим, тезда жон таслим қилди. Кўзларини ёпиб, устига яшил мато ташладим ва эшикни беркитиб қўйдим. Халифанинг хотини ҳол сўраб ва иложи бўлса унинг хузурига кириб бир кўрайин, деб одам юборган экан, чопарга эшикни қия очиб: “Ана қара кечаси билан бедорликдан сўнг, эндигина ором олди, уни безовта қилмай туришсин, шуни айтиб қўй”, дедим. Чопар халифанинг хотинига бориб шу гапларни айтганида, у қабул қилиб, эрининг бир оз ухлаб ором олаётган экан деган ўйда хотиржам бўлди. Сўнг эшикни қулфладим, эшик тагига ишончли одамларимдан бирини соқчи қилиб қўйиб, қайтиб келгунимча шу ердан қимирламагин ва халифанинг олдига ким бўлишидан қатъий назар ҳеч кимни киритмагин, деб тайинладим. Сўнг масжидга қараб йўл олдим. Йўлда йўлиққан, халифанинг аҳволи ҳақида сўраган одамларга: “Касал бўлганларидан бери бу каби тинчланмаган эдилар”, дердим. Улар: “Аллоҳга ҳамдлар бўлсин”, деб хурсандликларини изҳор қилардилар. Йўл-йўлакай миршаблар бошлиғи Каъб ибн Ҳомизга одам юбориб халифанинг яқинларини “Добиқ”нинг катта масжидига жамлашини айтдим. Йиғилишгач: “Амирул мўминин мактубидаги кишига байъат қилинглари”, дедим. Улар: “Бир марта байъат қилдик,



Ислом Нури

яна байъат қиламизми?” дедилар. Мен: “Бу Амирул мўмининнинг амридир, буюрилганидек мана бу муҳрланган мактубдаги кишига байъат қилинглари. Бирма-бир ҳаммалари байъат қилдилар. Иш пухта бажарилганига амин бўлгач: “Биродарингиз мўминлар амири вафот этдилар, «Инна-а лиллаҳи ва инна-а илайҳи рожиуна» “Албатта, биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У зотга қайтувчилармиз”, деб халифанинг вафотини эълон қилиб, мактубни ўқий бошладим. Умар ибн Абдулазизнинг номини зикр қилганимда Ҳишом ибн Абдулмалик кичқириб: “Асло унга байъат қилмаймиз, деди. Мен: “Унда -Аллоҳга қасамки- бошинг кетади, туриб байъат қил, дедим. У ўрнидан туриб, оёғларини зўрға судраб Умар ибн Абдулазизнинг олдига келди ва: «Инна-а лиллаҳи ва инна-а илайҳи рожиуна», деди. (У халифалик ўзига ҳам Абдулмалик фарзандларидан бирортасига ҳам бўлмай Умар ибн Абдулазизга ўтиб кетганига мусибат етган кишининг дуосини айтган эди.) Ўз навбатида Умар ибн Абдулазиз ҳам мазкур дуони айтди, лекин у ўзи истамаган ишига мажбур тайин қилинганидан шундай деган эди.

Бу байъат сабаб Аллоҳ таоло Исломнинг навқиронлигини янгилаб, унинг маёғини олий қилди.

Мусулмонлар халифаси Сулаймон ибн Абдулмаликдан Аллоҳ рози бўлсинки, Аллоҳ таоло олдидаги зиммасини оқлаб, ўзидан кейин солиҳ кишини қолдириб кетди. Вафодор вазир Ражо ибн Ҳайвага мақтовлар бўлсинки, у Аллоҳ, Унинг расули ва мусулмонларнинг имомлари учун насиҳат қилиб яшади. Яхши ва солиҳ маслаҳатчига Аллоҳ таоло яхши мукофотлар, ажру-савоблар берсин. Тавфиқ берилган ҳокимлар, солиҳ маслаҳатчиларнинг тўғри фикрлари ила эзгуликларга йўлланилур.